



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● 1991 йил 23 февраль ● шанба

● № 39 (10.035). Баҳоси 10 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Республика Олий Кенгашининг Раёсати «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида СССР референдумини ўтказишнинг айрим масалалари ҳақида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати СССР Олий Кенгашининг тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг федерацияси сифатида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан 1991 йил 17 мартда СССР референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорнинг катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятини эътиборга олиб ва Ўзбекистон халқи ўз иродасини тўлароқ акс эттиришини таъминлаш, СССР референдумида овоз бериш учун бюллетенга киритилган саволнинг моҳияти ва мазмунини очиб бериш мақсадида қарор қилди:

Тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг федерацияси сифатида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан СССР референдумида овоз бериш учун асосий бюллетень билан бир қаторда қўшимча бюллетень тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларига қонуннинг қондаларини ҳамда референдумда сайловчиларнинг иштирок этиши тартибини аҳолига тушунтириш юзасидан қўшимча чораларни кўриш, бу ишга халқ депутатларини, совет ходимларини, ҳуқуқшуносларни кенг жалб этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшитириш комитети, газета ва журналларнинг таҳририятлари, бошқа оммавий ахборот воситалари меҳнаткашларга СССР умумхалқ референдуми тўғрисидаги СССР қонунидан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва кафолатлари, фуқароларнинг овоз беришда қатнашиш қондаларини кенг тушунтиришлари зарур.

СССР референдумини ўтказиш республика Марказий комиссиясига, тегишли вазирликлар ва идораларга топшириқлар берилди.

**М. С. ГОРБАЧЕВ БИЛАН
Ж. БУШ ТЕЛЕФОН
ОРҚАЛИ
СУХБАТЛАШДИЛАР**

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Ироқ Ташқи ишлар вазири Т. Азиз билан музокаралари тугаши биланоқ совет раҳбари АҚШ Президенти Ж. Буш билан телефон орқали узоқ суҳбатлашди. (ТАСС).

ЯНГИЛАНГАН ИТТИФОҚ ТАРАФДОРИМИЗ

МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАКЛИК

БОЛТИҚБЎИИ жумҳуриятлари, Кавказорти ва Молдавиядаги халқ тўлқинлари биз оддий меҳнатнашларни ҳам безовта қилмоқда. Менинг суягим меҳнатда қотган. Кўп йиллар пахтачилик билан шуғулландим. Ҳозир пенсияда бўлишимга қарамай оилавий пудратда ишлаяпман. Шукурним, фарзандларим ҳам халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишмоқда. Юрт тинч бўлса, элинг ҳам тинч бўлади. Кундалик матбуотдаги янгиликлар билан танишиб бораман. Баъзи мақолалардаги фикрларни ўзимча мулоҳаза қилиб кўраман. Булардан шу нарса аён бўладики, ноҳолис, бир ёқлама фикр билдирилган бундай матбуот нашрларидан дар-

ров кўнглинг совийди. Иттифоқни парчалашга ундаётганлар шулар эмасми? Менимча, буларга чек қўйиш вақти келди. Энди шов-шувларга берилмасдан мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришимиз керак. Қайта қуриш — бу саросимага берилиш, парокандалик эмас. 17 мартда ўткази-

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

МАМЛАКАТИМИЗДА рўй бераётган сиёсий жараёнлар, халқлар ўртасидаги миллий муносабатлар Иттифоқимизга раҳна солмоқда. Кўп йиллардан буён қон-

чиқиб кетганимиз билан қаёққа борардик. Чунки қардош жумҳуриятлар билан шундай боғланиб қолганимизки, бунинг асло иложи йўқ. Биримизга пахта керак, яна биттамызга дон. Яна биримизга гўшт ва бошқа маҳсулотлар... Хўш, буларни қаердан оламиз. Тўғри, ўзимиз етиштиришимиз мумкин. Лекин бир кунда, бирданига ҳаммасини муҳайё қила олмаймиз-ку. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. — дейди доно халқимиз.

Мана, мен бир неча йилдан буён бригада бошлиғиман. Бригадамиз аъзоларини ҳам ҳозирги кунда юқоридаги муаммолар ўйлантириб келяпти. Куч бирликда. Шундай экан, 17 март кuni бўладиган СССР референдумида Иттифоқ федерациясини сақлаб қолиш учун яқдиллик билан овоз берамиз.

**У. МАМАДАЛИЕВ,
Оққўрғон ноҳиясидаги
«Партия XXII съезди»
жамоа хўжалигининг бри-
гада бошлиғи.**

17 МАРТ-СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ладиган СССР референдумининг натижалари ана шуларни ҳал қилиб бериши керак. Шунинг учун ҳам мен ягона иттифоқ федерацияси учун овоз бераман.

**Н. ҚУЛДОШЕВ,
меҳнат фахрийси, Бек-
обод ноҳиясидаги «Дал-
варзин» шўро хўжалиғи.**

қардош бўлиб келган элатларнинг дўстлигига путур етди. Шундай бўлса-да, жумҳуриятлар мустақиллиги учун кураш авж олиб кетди.

Референдумда овоз бериш эркин дейилляпти. Хўп, шундай экан, нима учун овоз берамиз. Фикрлар ҳар хил. Биров ундоқ дейди, биров бундоқ дейди. Иттифоқдан

• БУГУН-СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ



● УҒЛИ Армиядан қайтган оила қувончини уч-тўрт оғиз сўз билан ифодалаб бериш мушкул вазифа. Бундай қувонч нималигини фақат шундай дамларни бошидан кечирган одамгина билади. Мана, Ғалаба ноҳиясидаги Холиқовлар хонадонида ҳам бугун шодиёна. Айниқса, оила онахони — Салима опа Турдиалиева ўзида йўқ хурсанд: у узоқ фурсатдан кейин

яна невараси Нуриддиннинг дийдорини кўрганидан, уни соғ-саломат бағрига босаётганидан бахтиёр. Нима ҳам дердик: ҳар бир хонадонни ана шу кунга етказсин. Оналар фарзандларини узоқ айрилиқдан сўнг яна бағриларига олсинлар.

Сураткаш В. ТУРАЕВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Мамлакат бозор иқтисодиёти билан боғлиқ иқтисодий ҳаётнинг янги шаклларида кириб бормоқда. Лекин бозор иқтисодиёти бўсағасида нархларнинг ҳаддан ташқари кўтарилиши пулнинг қадрсизланишига, турмуш даражасининг пасайишига, ишсизликка ва бошқа шу каби қусурларга олиб келаяпти.

Касаба уюшмалари бозор иқтисодиётига ўтишга қаршилик қилмай, уни фойдали йўналишга солишлари, юлғичлик, ижтимоий адолатсизлик йўлини кесиб боради қатъий ҳаракат қилишлари, қонунчилик асосида меҳнаткашларни бозор иқтисодиётининг мумкин бўлган салбий оқибатлардан ҳимоя қилишлари даркор.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси нарх бўлими билан ҳамкорликда вилоятдаги коммунал ва маиший хизмат корхоналарида нархлар ҳамда тарифларнинг қандай қўлланилаётгани текширилди. Текшириш шунинг кўрсатдики, бундай корхоналар белгиланган нарх ва тарифларни қўпол равишда бузмоқдалар. Қондабузарликлар орта орташати-ки, лекин камаймаяпти. 366 маиший хизмат кўрсатиш корхонасида текшириш ўтказилганда 66 тасида қондабузарлик ҳоллари содир бўлганлиги, яъни аҳолидан 137 минг сўм кўп пул олиб қолгани аниқланди. Миноз ҳақида ҳиёнат қилгани учун маиший хизмат корхоналари ходимларидан 15 кишининг иши тергов органларига топширилди.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларда ҳам актив фаолият кўрсатмоқда. Маъмурият ташаббуси билан корхона ёки унинг бўлинмалари тугатиладиган, ёки қисман ишлаб чиқариш тўхатиладиган бўлса, у иш жойларининг қисқартирилишига, иш шартининг ёмонлашишига олиб келса, бундай ҳолларда

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ШАҲРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАН

Қонунга мувофиқ 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб камидан уч ой олдин тегишли касаба уюшмалари бу ҳақда хабардор қилиниши лозим. Касаба уюшмалари эса бу ҳолларда ўз аъзолари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида зарур чораларни кўрадилар.

— Кейинги вақтларда ишлаб чиқаришда шикастланиш, ўлим каби бахтсиз воқеалар сони бир қадар камайди, — деди йиғилишда маъруза қилган Тошкент вилояти ва шаҳри касаба уюшмалари Бирлашмаси Кенгашининг раиси Д. Ғуломов, — ишлаб чиқаришда маиший шартлар анча яхшиланди. Лекин меҳнат муҳофазасини талаб даражасида деб бўлмайди, айрим жойларда ҳатто ташвишли ҳолда. Баъзи касаба уюшмалари қўмиталари ва хўжалик раҳбарлари бу масалага етарли эътибор бермаётдилар, масъулиятни ҳис этмаётдилар.

Маърузачи вилоят халқ хўжалигида 70 минг ишчи, шу жумладан, 28 минг хотин-қиз меҳнат муҳофазаси қонун-қондалари талабларига жавоб бермайдиган жойларда ишлаётганликларини қайд этди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ижтимоий ҳимояланиш масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Касаба уюшмалари Бирлашмаси кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногиронлар ҳамда қийин аҳволда қолган қариялар эҳтиёжига 1 миллион сўм ажратди. Болалар уйларида ёрдам тариқасида кийим ва буюмлар сотиб олиш учун 4 минг сўм берилди. Бундай савобли ишлар яна давом эттирилади.

Ижтимоий ҳимояланиш бўйича кўп тадбирлар белгиланган. Лекин ҳаммаси ҳам яхши бажарилаяпти, деб бўлмайди. «Саломатлик» дастури ишлаб чиқилган эди. Бу масала билан касаба

уюшмалари фаол шугулланмаяптилар. Хўжалик раҳбарлари олдида қатъий талаблар қўйилмаяпти. Ваҳоланки, соғлиқни сақлаш, касалланишнинг олдини олиш ва камайтириш чоралари, касаллик туфайли иш вақтининг исроф бўлишига қарши кураш — касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Вилоятимизда касаллик туфайли ҳар куни 57,5 минг киши ишга чиқмайди. Бу рақамлар касаба уюшмаси ташкилотларини ташвишга солиши керак.

Ўтган йили вилоят касаба уюшмалари 3 мингта касаллик варақаларини текширдилар. Натижада 341 касаллик варақаси асосиз равишда берилгани маълум бўлди. Касаба уюшмаларининг талаби билан касаллик варақасини беришда қонун-қондага хилоф иш тутганликлари учун икки врач вазифасидан бўшатилди, икки врач ҳуқуқи чегараланди, тўрт киши вазифасидан пасайтирилди, 51 тиббиёт ходимига нисбатан турли чоралар кўрилди.

Ўтган йили Бирлашма томонидан турар-жой, автомашиналар, халқ истеъмолчи товарларини тақсимлашда қонун-қондалар бузилаётгани, ёш мутахассислар, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи - жангчиларнинг ҳуқуқлари камситилаётгани ҳақида меҳнаткашлардан тушган 120 хат текширилди.

Касаба уюшмалари Бирлашмаси меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари ижроия қўмиталари олдида қўйди ва улар юзасидан аниқ тадбирлар белгилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг мажлисида яқна тартибда турар-жойлар қуриш учун участкалар беришни

тартибга солиш ва янада яхшилаш юзасидан совет ва касаба органларининг олиб бораётган ишлари ҳақидаги масала муҳокама этилди ва унда ер участкаларини тақсимлаш ва расмийлаштиришга тўраларча муносабатда бўлаётганларга нисбатан чоралар кўрилди. Қабул қилинган қарор натижасида шахсий уй қурмоқчи бўлганларга 5079 гектар ер бўлиб берилди, 1990 оила томорқалари 25 сотихгача кенгайтирилди, ёрдамчи хўжаликлар учун эса 1712 гектар ер ажратилди. Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда байналмилалчи - жангчиларга маиший ва ижтимоий шартшароитларни яхшилаш юзасидан қарор қабул қилинди. Елғиз ва кекса фуқароларга бевосита уйга бориб савдо хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг олий ўқув юрти талабаларини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақидаги талаби туфайли Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси шахсий уйларда вақтинча турувчи бошқа шаҳарлик талабаларга савдо хизмати кўрсатиш ҳақида буйруқ чиқарди.

Халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси В. Ғуломов бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари олдида пайдо бўлаётган қийинчиликлар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ҳисоблаб чиқсам 1990 йилда ундан аввалги йилга нисбатан ойига 30 сўмдан кам маош олибман, — деди минбарга чиққан Ўзбекистон металлургия заводининг электр пўлат эритиш цехининг оператори М. Миртурсунов, — фақат мен эмас, корхонамизда кўпчиликнинг маоши кам бўлди. Чунки хом ашё етишмаяпти, қатор муаммолар пайдо бўлган. Бозор иқтисо-

диётига ўтилса нархларнинг ошиб кетиши турган гап. У ҳолда биз каби меҳнат кишининг аҳволи не кечади? Қани ижтимоий ҳимояланганлик? Биз шулар ҳақида кўпроқ ўйлашимиз, меҳнаткашга ёрдам қўлини чўзмозимиз керак.

— Жамоа шартномасини тузиш — ижтимоий ривожланишнинг энг муҳим шартларидан биридир, — деди автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси Л. Завьялов, — бу йил айрим корхоналар раҳбарлари жамоа шартномаси тузмасликка ҳаракат қилдилар. Лекин биз йўл қўймадик. Касаба уюшмаларига катта ҳуқуқлар берилган. Биз ундан фойдаланиб, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида тиниб-тинчимаслигимиз керак.

Маъруза юзасидан музокарага чиққан агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Урта Чирчиқ ноҳия қўмитасининг раиси М. Отақулов, Тошкент қишлоқ хўжалиги техникуми касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Р. Бобононов, Тошкент экспериментал тажриба-механика заводи касаба уюшмаси қўмитасининг раиси В. Финов ва бошқалар меҳнат жамоасининг ҳамма қирраларига таъсир этиш бўйича касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари билан битимлар тузиш ҳамда уларни изчил амалга ошириш, вилоятда иш билан бандлик ва меҳнат муносабатлари бўйича қонунчиликка амал қилиш устидан назоратни кучайтириш, касаба уюшмалари иш усули ва услубларини такомиллаштириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр юритдилар.

Йиғилишда Тошкент вилояти ва шаҳри касаба уюшмалари Бирлашмаси Кенгашининг болаларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича Мурожаати, Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқини сақлаб қолиш юзасидан ўтказиладиган референдумга маъқулланган резолюция қабул қилинди.

Б. ПҒЛАТОВ.

СССР МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ Б У Й Р У Қ И

1991 йил 23 февраль.

№ 80

Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, прапорщик ва мичман, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли Кучлари фахрийлари, ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг жангчилари бугун Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг 73 йиллигини нишонламоқдалар.

СССР Қуролли Кучлари шонли жанговар йўлини босиб ўтдилар. Халқнинг инқилобий ююкдорлиги туфайли дунёга келган СССР Қуролли Кучлари фуқаролар урушининг шиддатли олишувларида Октябрь галабаларини ҳимоя қилиб қолдилар. Армиямизнинг халқчиллик руҳи Улуғ Ватан урушида зўр куч билан намоён бўлди, шу уруш чоғида совет жангчилари Ватанимизнинг суверенитети, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолдилар. Европани фашизм қўлигидан халос эт-

дилар, ўз ватанпарварлик ва байналмилаллик бурчларини шараф билан бажардилар.

Кекса авлодларнинг қаҳрамонона анъаналарига сadoқатли СССР Қуролли Кучларининг шахсий состави совет кишилари учун муқаддас бўлган ватанпарварлик ва ҳарбий бурч тушунчаларини обрўсизлантириш, СССР халқларининг қардошларча иттифоқини бузиш, социалистик Ватаниннг мудофаа қудратини заифлаштириш, армия билан халқнинг бирлигига путур етказиш йўлидаги уринишларни қатъиян рад қилади.

Ҳозир иноқлик ва ҳаракат бирлиги, фуқароларнинг тинчлигини сақлаб қолиш, иттифоқимизни янгилаш, танлаб олинган социалистик йўлдан бунёдкорлик билан ҳаракат қилиш йўлида дарҳол ва қатъий куч-гайратлар сарфлаш совет кишиларига, СССР Қуролли Кучларининг жангчиларига ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Жанубий чегараларимиз яқинида, Форс кўрфазини атрофида уруш ёнғини аланга олиб турибди. Ана шундай шароитда, ҳарбий ислохотни изчил ўтказиш билан бирга Совет давлатининг мудофаа қобилиятини, СССР Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини нишончи етарлилик даражасида сақлаб туриш зарур.

Азиз ўртоқлар, умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 73 йиллиги билан сизларни табриқлайман ва қутлайман!

Армия билан Флотнинг шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, замонавий қурол ва жанговар техникани эгаллашда, қуруқликдаги, осмон ва денгиздаги маҳоратни такомиллаштиришда, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилайман. Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларига, ёшларимизга, барча совет киши-

рига сичат-саломатлик, улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бахт-саодати йўлидаги меҳнатда зафарлар тилайман.

Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг 73 йиллигини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

Бугун, 1991 йил 23 февраль куни маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар — Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда ва қаҳрамон қалъа — Брестда, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Самара, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

Ишончим комилки, Армия билан Флот бундан буён ҳам Совет давлати хавфсизлиги, бирлиги ва барқарорлигининг нишончи кафили бўлиб қолаверади.

СССР Мудофаа вазири,
Совет Иттифоқи Маршали
Д. ЯЗОВ.

КҮЧАТ ЭККАН ЭЛНИ УЙЛАР

Р. Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп йиллардан бери ўлкамизни боғи-роғларга бурқаб, шарбат тўла меваларга сероб қилиш йўлида фидойилик кўрсатиб келмоқда. Бу жиҳатдан уни яшиллик оламининг ҳақами, дейиш тўри бўлади. Ҳозир бирлашма олимлари олманиннг 38, гилосининг 16, нокнининг 19, ўрикнинг 29, узумнинг эса 30 дан ортиқ навларини кўчат қилиб кўпайтирмоқдалар.

Тажриба участкаларининг соҳибкорлари бу йил 11 миллионга яқин мевали, 17,5 миллиондан ортиқ узум ҳамда 1,5 миллион дона атиргул кўчатларини тайёрлаб, жумҳуриятимиз боғбонларига тақдим этишади. Шаҳар ва қишлоқларда кўчат бозорлари ташкил этилади.

(ЎЗТАГ).

• БУГУН-СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ •



УЛУҒ Ватан уруши ва байналмилалчи - жангчилар номини абадийлаштириш ва «Хотира» китобини яратиш бўйича Пискент ноҳиясида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Ноҳияда, — деди партия қўмитасининг котиби Ҳимайдулло Ақромов. — Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган, бедарак йўқолган ҳамюртларимиз номларини Совет Иттифоқи Мудофаа вазирлиги қошидаги Марказий архив материаллари орқали тиклаш бўйича Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси, Иттифоқ ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мажид Самадов олиб бораётган ишлар эътиборга сазовор.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунининг 73 йиллиги олдидан М. Самадов жумҳуриятимизда яшаётган, Қизил Байроқ, Суворов ва Кутузов нишонли 159-Витебск ўқчи дивизиясида хизмат қилиб, фашист босқинчиларига қарши курашган ўз сафдошларини Пискентдаги учрашувга таклиф қилди. Тошкент шаҳридан Мавлонбек Пўлатбеков, Чирчиқдан Азмиддин Ихлосов, Самарқанд вилоятидан Турсун Тўраев, Бўқадан Малик Умаров каби қуролдош дўстлари келишди. Бу ерда улар ёшлар билан «Оталарнинг фарзандларга ўғити» ва «Дивизиянинг жанговар йўли» мавзуда суҳбат ўтказишди.

— Сафимизда ўзбекистонлик қуролдошлардан 11, Итти-

деб хурсанд бўламиз, — деди Т. Тўраев. — Ўғилларим, Ватанимиз мусаффо осмонини, Она еримизни қўриқлаш учун чиниққан, жасур ўқимишли йигитлар керак. Шунинг учун ёшлиқдан спорт билан шуғуланинглар. Биз кўрган урушни сиз ва авлодларимиз кўрсин.

Шундан кейин Турсун ота Тўраев урушдан сўнг, қандай қилиб қуролдош дўстларини топганини, Азмиддин Ихлосов, Мажид Умаров ва Мажид Самадов Смоленск вилоятидан Литва бўйлаб, Шарқий Пруссиядан Болтиқ денгизигача қадар жанг хотираларини, 1944 йилнинг 17 августидан Литва ва Шарқий

вақт ўтган бўлишига қарамай, ўз эгаларига топширилмай қолган нишонларини олишда ёрдам берганлигини, Марказий архив рўйхатларидаги «ҳалок бўлган» деб қайд этилганлардан 239 нафар қуролдош дўстлари тириклигини, шу ерда ўтирган Азмиддин Ихлосов ва Мавлонбек Пўлатбеков шулар жумласидан эканликларини сўзлаб берганида залда ўтирганларнинг кўзларига беихтиёр ёш келди.

Тантанадан сўнг кашшофлар уруш фахрийларига гулдасталар тўтқазишди. Сўнгра биргаликда ноҳия марказидаги В. И Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, сукут сақлашди. Бу ердан улар ўзбе-

АСКАРЛАР ҲАЕТИДАН

ЎЗИМИЗ
КЎРИБ
ҚАЙТДИК

ОШКОРАЛИК шарофати билан армиядаги аҳвол ҳақида ойнаи жаҳонда, сўзанигорда, ойнама ва рўзномаларда очик-ойдин гапирилайдиган бўлди. Айни даврда аскар йигитлар ҳаёти — хавотирли кунларга айланди. Ойназорлар ҳарбийдаги қора кўзлари йўлига, улар насибам узилмасин деб тишлаб кетган нонга тикилиб, яратганга илтижо қилишга ўтидилар. Армиядаги кўнгилсиз ҳодисалар... Айрим аскарларнинг ўз қисмларини ташлаб қочиб келишаётгани бежиз эмас.

Яқинда биз ўғлим хизмат қилаётган Бошқирдистон мухтор республикасининг Уфа шаҳрида бўлиб, турли миллатдаги аскар йигитлар ва командирлар билан суҳбатлашдик.

— Қисимизда турли миллат фарзандлари бор. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, улар ўз хизмат вазифаларига доимо виждонан ёндашадилар. Бир йилда икки марта ота-оналар слёти ўтказилади. 1990 йил 6 ноябрда ўтказилган слётада 50 дан ортиқ ота-она қатнашиб, фарзандларининг яшаш шароити билан танишиб, ўз миннатдорчилик фикр-мулоҳазаларини билдириб, кўнгилларини тўқ қилиб кетишди — дейди гвардия полковниги А. Ю Горьков.

— Аскарлар сўхат-саломатлиги ҳамisha назорат остида, — дейди сийсий ходим В. А. Липилин. — Қисмларда турли касалликларнинг олдини олиш ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Санитария қисмининг мунтазам ишлаб туриши. Унда малякали врач ва ҳамширалар бор.

Тошкентлик Ақромжон Раҳматов «Биз аскарлар бир оила фарзандларидаймиз, жуда аҳилмиз. Бирга яшаймиз, бирга меҳнат қиламиз, бирга овқатланамиз. Турли миллат фарзандлари оғаниндек бўлиб кетганимиз» — деди.

— Ҳар бир казармада рангли телевизор жойлашган. Бу ерни биз ўз уйимиздек ҳис қиламиз. Мажлислар залида ҳафтасига 3 марта кино кўрсатилади. Шанба, яшанба кунлари шаҳар ичига кинотеатрларга, циркка олиб боришади. Келганимга бир ярим йил бўлди, Қисимизда ўзбеклар озчиликни ташкил қилади, лекин миллатчилик ва оқсоқоллик йўқ, — дейди Тошкентнинг Бектемир ноҳиясидан борган Султонбек Тўлимбеков.

Биз вакиллар — Абдулла Заурбеков, Камолддин Мирсаломов ва калмина шу кунинг йигитларимиз овқатланадиган ошхонада бўлиб, таомномани кўздан кечирдик. Шўрва, палов, гречка бўтқаси, балиқ, ном, чой, сариёғ, умуман тўйимли овқатланиш учун даярли ҳамма нарса етарли.

Шу ҳарбий қисмининг ўзида фарзандларини кўргани келган ота-оналар учун меҳмонхона мўжайё.

Казармаларни айланамиз, каравотларда янги қалин аёёл, юмшоқ ёстиқ, хоналар иссиқ. Йигитларни маданий ҳордиқ чиқаришлари учун телевизор, радио, магнитофон, китоб жавонлари мавжуд. Шу ерда йиртиқ-ямоқларини, оқ ёқаларини тикишади, уйларига хат ёзишади... Фарзандларимизга кўрсатилаётган гамхўрликдан кўнгилмиз тўлиб, Тошкентга қайтдик.

Ҳолида МИРСАЛИМОВА,
Тошкент шаҳри.

ЙИЛЛАР АРМОНИ ЮРАКДА

ПИСКЕНТДАГИ УЧРАШУВ

фоқ бўйича 356 киши қолган, — деди Мавлонбек Пўлатбеков — Уша машҳум кезларда 18—20 ёшли навқирон йигитлар эдик, 3-Белоруссия фронтининг 159-ўқчи дивизиясида белорус ва Литва диёрини босқинчилардан озод қилишда кўпгина сафдошларимиз қурбон бўлди. Улардан бири қурдошимиз Аҳмадали Насруллаев эди. У дивизия таркибидеги 597-артиллерия полкида тўпдан нишонга олувчи бўлган. 1944 йил 29 июлда Литванинг Тауракеми қишлоғи яқинида бўлган жангда фашистларнинг иккита станокли ва битта қўл пулемётини сафдан чиқариб, батальонимизнинг олға силжишига имкон туғдирганди. Лекин 1944 йил август ойидаги жангда фашистларнинг 30 дан зиёд танк ва ўзи юрар тўплари бостириб кела бошлади. Бу қонли жангларнинг бирида дўстимиз ҳалок бўлди. Уни Литванинг Францика-Буде қишлоғида дафн этдик.

— Азизларим, оилада қиз туғилса, онага ёрдамчи, ўғил туғилса посбон оламга келди,



Пруссия ўртасидаги Шешипа дарёси қирғоғида СССР Давлат чегараси белгисини ўрнатганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Мажид Самадов бугунгача урушдан ўз оиласи бағрига қайтмаган 28 минг марҳумнинг дафн этилган жойини аниқлаганини, 8 мингдан зиёд жангчи жасоратини ўрганганлигини, 150 кишига 40—43 йилдан кўп

кисмонлик гастеллочи, 1941 йил август ойида, 20 ёшида Днепрпетровскдаги ҳаво жангларидан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўқчи Мирзапўлатнинг 2-ўрта мактабдаги музейига ташриф буюрдилар.

Даврон АҲМАД.
Суратларда: қуролдошларнинг Пискентдаги учрашув лавҳалари.
Муаллиф суратлари.

МАҲАЛЛА ФАҲРИЙЛАРИ МУЗЕЙИ

ФРУНЗЕ ноҳиясидаги Абдулла Авлоний номли маҳалланин 34 хонадонига «Бу ерда Улуғ Ватан уруши иштирокчиси истиқомат қилади» ёзувлари битилган тахтачалар илиб қўйилган. Авваллари улар кўп эди. Бироқ ёзувларга тегишли кишилар бу хонадонни бир умрга тарк этганлардан сўнг тахтачалар ҳам ўз жойидан олиб қўйилди. Бироқ улар тарихда из қолдирганлар, ҳозирги фаровон кунимиз учун жон олиб-жон берганликлари сабабли уруш иштирокчиларига бағишлаб маҳаллада музей ташкил қилишга қарор қилинди. Бу қарор партия, Совет, комсомол органлари ёки бошқа жамоат ташкилотлари томонидан белгилангани йўқ. Бу қарорга Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг ўзлари келишди. Хонадонма-хонадон юриб суратлар, ҳужжатлар йи-

ғилди. Бу ишларнинг бошида турган Сайфиддин ака Йўлдошевнинг бормаган ташкилоти, учрамаган ери қолмади. Дастлаб музей учун маҳалладан хона топиш мўаммоси пайдо бўлди. Бир қанча югуришлардан сўнг ноҳия маданият уйининг филиали фахрийлар ихтиёрига берилди. Уни тасаввур қилинг: ҳовлига битта сўри зўрга сиғади, иккита каталакдек хона. Мухарририятдан мухбирлар келаркан деб фахрийлар бу ерга тўпланишганда, биз уларни биргаликда суратга тушира олмадик. 5-6 кишидан бўлиниб суратга тушишди. Айтганча, бу ерда яна бир хона бор. Фақат унинг эшигига фалончи экстрасенс ҳафтанин фалон кунинда қабул қилади, деган ёзув илиб қўйилган.

Қариялар ўша кунинг тор хонада ўтириб, кенг боғларини эслашди. Уша маҳаллада улар-

нинг боғлари бўлган экан. Унда мевали дарахтлар экилган, салқин жойда супалар ўрнатилган, ҳатто ҳовузчаси ҳам бўлган экан. Ҳозирда 71 ёшга кирган Тоҳир ота Тўхтаев ўзи ёнидан пул сарфлаб обод қилгунча анча меҳнати сингган. Узи эса қозон-ўчоқ ўрнатиб, ўзқайнарда тенгдошлари учун «95»дан дамлаб берарди. Бироқ райжироқўмининг қарори билан боғ улардан тортиб олиниб бу ерга қандайдир ширкат келиб ўрнашган... [Суратда ўша боғнинг ҳозирги аҳвали].


Яна музейга қайтамиз. Сайфиддин ака бизга қариялар кучи билан яратилган кўргазмаларни кўрсатди.

— Маблағни қаердан олдингиз, ахир ойна тақчил бўлса, мана бу тахталар фалон пул бўлса!


— Пенсия пулларимиз эвазига келган булар. Яна «Ўзбекгазстрой» раҳбарларига минг раҳмат. Улар ҳам қўлларидан келганча ёрдамини ашмади. Бошида эса оталиқ ташкилотлар кўп эди. Тўқимачилик институти, 73-мактаб, комбинат... Биз ҳаётда кўп оғирликларни кўрганмиз. Шунинг учун ҳам анча-мунча нарсанга нолимаймиз. Фақат эътибор бўлса бас, ташаббусимизни бўғишмаса бўлгани.

Фахрийлар билан узоқ гаплашдик. Албатта, бу масаланин охирига етиш, эътиборсизларни аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бироқ ҳалқимизда «гап эгасини топади» деган нақл бор. Мутасаддилар ва мутасадди бўлмаганлар бу ҳақда ўйлаб кўришар. Фахрийлар музейининг очилишининг 9 май кунига белгиланмоқда. Унга ҳатто Президентни ҳам чақиришмоқчи.

А. ИМОМХУЖАЕВ.



Ғабдулҳамид ва саҳна



1991 — Алишер НАВОЙЙ йили

НИЗОМИЙ, Хусрав Дехлавий ва Навоий достонлариға жуда жозибали ҳикоялар киритилган. Уларнинг ҳар бири ўзинга хос гоҳий-бадий хусусиятларга эга. Профессор Р. Алиевнинг таъкидлашича, «Хафт пайкар» достонига кирган олтинта новелланинг манбаи Низомулмулкнинг (1023—1090) «Тарихи салотин» асарида келтирилган. Б. Гафуровнинг айтишича, Хусрав Дехлавийнинг «Хафт бихишти» достонидаги айрим сюжетлари қаҳдамги будда ёлғорлиги «Трипитака» ва «Катхасари»-гарига кирган қаҳдамги ҳинд афсоналарида учратиш мумкин.

Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр» достонидаги ҳикояларнинг характери хусусиятлари шуғандки, уларда масаланинг куйилиши, уларнинг туғуни ва ечими ўзинга хос усул билан ҳал қилинади. Муҳими шуғандки, шoir ҳикояларида ўз даврига оид икитимий муаммоларни биринчи даражадаги масала сифатида кўтариб чиқди. Улар қаҳрамонларнинг кучли тўқнашувлари, фақулдода мураккаб ҳолатлар жарёвёнида тасвирланади. Мана шу ўзинга хослик билан бирга Низомий, Дехлавий ва Навоий достонларида ҳар уччала асарни бир-бирига яқинлаштирадиган умумийлик ҳам бор. Бу умумийлик бадий анъана хусусиятлари билан ҳамбарчас боғлиқ кетади. Шу нукта назиридан қараганда Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр» достонидаги Муқдбир билан Муқдбир образларини Низомийнинг «Хафт пайкар» достонидаги Хайр билан Шарр образларига ўхшатиш мумкин. Навоийнинг иккинчи ҳикоясидаги Зайд Заҳҳоб билан Дехлавийнинг Ҳасан образлари ўртасида ҳам умумий ўхшашликлар мавжуд. Алишер Навоийнинг бошқа образлари эса Низомий ва Дехлавий талқинидан тубдан фарқ қилади.

Муқдбир — бу умрини эзгу ишлар қилишга бахшида қилган инсоннинг ижобий образи. Муқдбирнинг ҳаётда бахтли бўлиши ҳам унинг яхши ишлари билан боғлиқдир. Муқдбир эса бутун умри мобайнида инсон ва табиғатга эиён етказиб келадиган кишининг салбий образидир. Унинг бахтсизлиги ҳам ўз қилмишлари туфайли содир бўлади. Шунинг учун ҳам Муқдбирнинг кетидан доимо бахтсизлик кутиб юради. Шунинг айтиш керакки, Низомийнинг Шарр образи Навоийнинг Муқдбирга қараганда қаҳрлироқдир. Чунки у инсик ва сувсиз чўлда ўз қароқчиликнинг кўзини ханжар билан ўйиб олиб, ваъда қилган бир қултум сувини ҳам қизганиб, бир ўзини чўлда

Тароз вилоятида Масъуд исмли дунёда энг саҳий киши борлигини эшитиб, пойтахтни яширинча ташлаб, оддий мусофир қиёфасига кириб Масъуднинг олдиға равона бўлибди. Масъуднинг ниҳоят ажойиб нақшлар билан безалган муҳташам қасрига етиб келибди. Масъуд уни бағоят аҳш кутиб олиб, меҳмондустлиги билан қойил қолдирибди. Бир кун Муна Масъуддан бутунлик даялатга қандай эришдиган, деб сўрабди. Меҳмон шундай деб жавоб қилибди:

Бизға шоҳедаур не англиш шоҳ,
Олам аҳли бошиға зинилоҳ.
Ки ҳаётини ҳақ муқом этсун,
Эттилу жоҳин мустақом этсун!
Подшоҳи дурр ажаб одил,
Адли олам эли аро шомил.
Зулм торнин ул сифат узмиш,
Адл созин ул сифат узмиш.
Ким амин давлатидин адл замон,
Толаманшир бинари амин амон.
Мулк аро чунки бўлди амният,
Юзланур мулк элиға жамъиёт.
Анди-ўқдур ҳунар ҳисоби ҳам,
Фазл ила доим иҳтисоби ҳам.
Бизға бу шоҳ давлатидин эзур,
Соғин шоҳ ҳашматидин эзур.
Буки элдин манга эиб ўлимш,
Манга бу навъ этикмоб ўлимш.



ПОНТАХТИМИЗДАГИ «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳақ амалий санъати ривожига қатта эътибор берилмоқда. Бу ерда нақош-дурдорг бўлиб ишлаётган Убайдулла Қосимовнинг қўлидан чиқаятган маҳсулотлар ҳар бир кишининг кўзини қувнатади. Суратда: Убайдулла Қосимов иш устида.

Сураткаш Е. БОГИРОВ.

ҲИКОЯЛАРДА ЯШИРИНГАН ҲАҚИҚАТ

Шундай қилиб, Низомий Шарр образи орқали ҳаётда бешафқат одамларнинг мавжудлигини таъкидламоқчи бўлса, Алишер Навоий ўқувчиларнинг диққатини алғон билан қаразғўйлик каби салбий хусусиятлар ҳам инсонни ҳалок этиши мумкинлигиға қаратади.

Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр» достонидаги асосий қаҳрамонлари олижаноб кишилар, Ботир ва мард, эли ва бир-бирларига вафодор севишган йигит-қизлар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Инсип тарихисига мазкур достондан Масъуд билан Муна образларини олсак, Масъуд билан Муна — туртинчи ҳикоянинг бош қаҳрамонларидир. Бу ҳикоянинг асосий мазмунни халқнинг фаровонлиги учун амаллаётган ҳокими одил ва муруватли бўлмоғи керак деган гоҳдан иборатдир. Бу фикрни қуйидагича ифодалайди:

Чун дуо бирла бўлди нуқтасаро,
Дедиким: Эрта чоғда Дехли аро,
Хусраве эрди шоҳлардин тоқ,
Тазти ҳуқимда кишилар офоқ.
Маъзаву гаукиға ниҳоят ёйқ,
Мулку зайлиға ҳақду гот ёйқ.
Чарк йўқ мулки арсағиса одил,
Узға шакларнинг отча аича пил.
Адли нисиф ўлуб сифати аиниг,
Шоҳлар ичра Жуна оти аиниг,
Элга баэлу ато биға машур,
Олам ичра саҳо биға машур,
Элга лақлари бебаҳона бериб,
Гар баҳона топиб, хизона бериб,
Базилан гар дебон сузан санжик,
Силасига ато қилиб ганжик.
Бўйла машур эзурки, бир муқтож,
Чарк мулкидин айлаган ичроқ.
Айлабон қат дашту тоғ ила руд
Алға келтурди бир сабаб амруд.
Неча кун бўлди музди ичра даранг,
Бўлди аллонбар асру кўп дилтанг.
Ҳиндистоннинг Жуна исми одил
ва саҳий подшоҳи бир меҳмондан

Шундай қилиб Алишер Навоий Масъуд билан Муна образлари орқали ўқувчиларнинг диққатини жамъиятнинг фаровонлиги ва унинг ҳар бир аъзосининг бахту-саодати ва соҳоватинг аҳамияти беқиёс эканлигини аниглашга қаратади. Алишер Навоий «Сабъи сайёр» достонида қатор ниҳоят ва салбий образларни қатор ичиб экан, у заъдан образларни саноқли асарларини пухта ўрганиб чиққан. Шoir Низомий, Дехлавий достонларидаги образларға мувожаат этиб, энг муҳим деталларни сақлаб қолган ҳолда уларнинг янгича талқинини берган. Натикода «Сабъи сайёр» достонидаги ҳар бир қаҳрамон ўзинга хос қиёфадаги мустақил образ даражасига чиққан ва ўзининг шаклий тақомига эришган.

Алишер Навоий «Сабъи сайёр» асарини Низомий, Дехлавий достонлари ҳамда Шарқ халқлари ва хусусан, Урта Осиё халқлари фольклорининг бой материаллари асосида яратган. Ҳар уччала достондаги инсонпарварлик, байналмилаллик, ҳақиқатнинг тантанаси каби мотивларнинг кўтарилиб чиқилиши асарнинг гоҳий жиҳатдан бир-бирларига яқинлигини кўрсатади. Алишер Навоий достони энг аввало, ўзининг дидактик жиҳатларининг кучлилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бу ўзинга хослик Навоий илмий-сиёсий шароитлари билан ҳамбарчас боғлиқдир.

«Хафт пайкар», «Хафт бихишти» ва «Сабъи сайёр» достонларидаги гоҳий жиҳатдан умумий мавжудат лигидан ташқари улардаги адабий анъаналарнинг давомийлиги ва муаллифларнинг эстетик принципларидаги ўхшашликлар ҳар уччала достонини бир-бирига яқинлаштиради. Бадиий жиҳатдан ҳар уччала сўз санъатининг ўзинга хос бебаҳо дурдоналаридир. Муҳими, ҳар бир достонда, энг аввало, даврининг маъмул муаммоларни кўтарилиб, улар бетакор композицияда тусулишган ранг-баранг бадиий бўёқлар билан тасвирланади. Низомий, Дехлавий ва Навоийларнинг достонларида турли хил усулвий шакллар ва шеър ўлчовлари шундай маҳорат билан қўлланилганки, нотижанда улар ҳар бир ижодкорнинг эстетик қарашларини бадиий гузал шаклда ифодалашга қизмаёт қилган. Дехлавий услуби Низомий услубидан, Навоий талқини эса Низомий ва Дехлавий талқинидан тубдан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири ўзинга хос бетакор хусусиятларга эгадир.

Сандбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари номзоди.

НАВОЙЙ НОМИ БЕРИЛДИ

КАЛИНИН ноҳиясидаги Оржоникидзе ва Куйбишев номи жамоа ҳўжаликларининг экин экадиган ер майдонлари Тошкент шаҳрининг кенгайиши муносабати билан йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Яқинда ҳар иккала ҳўжаликнинг қўшма умумий йнғалиши бўлиб ўтди. Бу иккала жамоа ҳўжалигининг меҳнаткашлари ҳўжаликларни бирлаштириб, Алишер Навоий номи жамоа ҳўжалиги ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шундай қилиб, Калинин ноҳиясида ҳам буюк боқоқалонимиз номи билан аталувчи яна бир ҳўжалик иш бошлади. М. ФАТТОХОВ.

Қатра СУКУНАТ КУЙИ

ҚУМ-ҚУҚ осмон... Сийрақ оқ булуғлар орасида бир жуфт бургут қанотларини қоқмасдан айланишарди, худди тоқ сукунатға қоровулик қилишарди... олисдан сойнинг шобода бошоқли ўсимликларини тебратди, уларнинг нафис муаттар хидларидан маст бўлиб қандай меза қилиб, булуғлардан кўзини узмай чалқанча етардим. Ҳаёлимни биронта фикр ёки гам-ташвиш безовта қилмасди. Бунақа дларда бошқача бўлмайдиде! Сукунат, майса ўтлари мусофир сомо, ёқимтой кўбининг чарақлаши менга ёшиқ давримни қайтаргандай, олинди да бахтли дақиқалар кутиб тургандай сезардим ўзимни. Фақулдода узокдан тожик йигитининг хиргойсини эшитдим: «Шона бар муш зарфшонда шавам, каки хушфатор қурбонат шавам» сўзларини анёқ эшитсам ҳам мазмунинга тушунмадим. Аммо у ўзининг севгисини ҳақида куй-

Мушоҳада учун мавзу

Сетор деманг ҳоли диллим сўргучи танбур,
Кўнгулм гириҳи гамларини оғучи танбур,
Бир неча рақиблар сўзидан гамзада бўлсам,
Ҳамлард бўлур оғушимга киргучи танбур.

МАШРАБ.
Инсон юрағидаги дард-ўйлари ни баъзан сўз билан ифодалаш қийин. Танбур навоси... Фақат танбур куйигина ўз оҳангида бу ҳиссиётни «айтиб» беради. ТАНБУР! Унинг овози шу қадар сеҳрли ва жозибалики, асрлар оша бу соз кишиларнинг дардашани бўлиб келмоқда. Ўзбек миллий мусиқа асбобларидан бири бўлиши танбурнинг асосида тайёрланган фильмини кўрмаган дейсизми? Асар қаҳрамони Отабекнинг сиқилган юрағига малҳам бўлган таъриқ асраб, танбур садоси-ку! «Сараҳбори оромжон», «Мўғулчаи дугтоҳ» деб аталиши танбурларға тақрирланмас жозибат бахш этган танбур эмасми? Кўп дардларни унуттирган танбур эмасми?!

Шундай пайтлар ҳам буладик, бир вонез қаттин таъсир қилгани сабаб бутун ҳажонингнинг қоғозга туширади. Бу гал шундай бўлди. Бозорнинг турли хил нознеъматлар териб қўйилган расталари өвидан ўтиб бераётган, ёшонгордан таралётган танбурнинг маҳзун «Чоргоҳ» куйини эшитиб тўхтадим. Шу пайт қарама-қарши тарвафдан келатган қизларнинг бири иккинчисига қараб:

«Вой, эшитиш азоб-эй, юрагинг сиқилди. Юр, театар!» деб дугонасини шитоброқ юришга ундади. Ҳойимизда ҳайқалдек турар-дирдан билан танбур, дард билан қўйлаётган ҳолат тасвирланган. Севилик маъшуфасининг аиси ДАРДУНОҚ кўнгулдан қандай сатрлар кўчаётганини аниқлаб турибди.

Яқинда онаи жаҳонда танбурга бағишланган кўрсатув берилди. Бу кўрсатувда машур танбурчилар — Турғун Алимов ва Ориф-хон Ҳотамов иштирок этишди. Сўхбат давомида Турғун ака танбурни ўрганиш учун ёшлиқдан, суяғи қотмасдан, киришиш кераклиги, бунга ота-оналар ердям бериши шартлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳозирги кунда танбур тўғрагагиға эга шахримизда

бирорта мактаб топилмади. Пянинно, скрипка, гитара ўргатилганда миллий мусиқа асбобларимиздан бири бўлмиш танбурға ҳам кенг ўрин берилса... Турғун ака таъкидлаганидек, устолик-на созандалардан жалб қилинсин, токи ўқувчилар танбурға хос нозик қочирамларини, маҳзун нолаларни ҳосил қилувчи имкониятларини мукамал ўрганишсин.

Тўй-ҳашамда танбур икром этилгудек бўлса, биримиз «О-о, куйимиз шу «тинғир-тинғир»ға қолибди», десаки, яна биримиз радиодан таралётган танбур навосини вуҷуд қилоқ бўлиб тинглаётган ҳамкамбимизнинг кўзи олдида ҳаёлан намоён бўла бошлаган ажиб манзарани қиларчин қилиб ўчириб қўйсаки, яна биримиз дутор билан танбур фарқини билмаймиз.

Бу аҳволда эртага нима қиламиз? Биз қачон танбур жамини мутақабил қўшиқларға фойз киритувчи соз эканлигини тушуниб етамиз, ахир? Кўнгулда дардларимиз бор-у негадир танбур навосини ҳамроҳ қилолмаймиз?

«Ўқитувчилар газетаси»да (1990 йил 27-октябрь) бир давра сўхбатини ўқиб қолдим. Унда сўхбат иштирокчиларидан бири А. В. Цой қўлида олий маълумот қаҳқида дипломи бўлган ёшлардан Шекспир асарларини сўралганда билмасликларини айтди ва буни маънавийятнинг чеklangилдигидир, деб баҳолайди. Шекспир асарлари — бир тараф танбур кўнгулида икром этилган «Найлайин», «Оқибат», «Эмасмидин», «Сенсан севадим», «Сўртар» бир тараф, Танбур ҳақида сўрашсин-чи, нима биларканимиз? ШОШМА, бир нафас қулоқ соли, эй нотаниш тенгдошим! Сенинг ҳам кўнгулдан пинҳоний дардинг бордир. Яширин дардин бирор кимсига сўзлаб беролмайсан. Шундай экан, кел, танбур навосига қўлоқ сол! Куйини сен хиргойи қил, мен эса жўр бўлай!

Мухайё АЛИМОВА.

Оқ йўл



Мухайёнинг шеърлари ахш бир қўшиққа ўхшайди: эшитган одам асло зеркмайди. Ўтди ёки маҳзун сатрлардаги янги топилмалар, оғори тўкилмаган ташбеҳлар ўқувчининг қувончига, ташвишига ҳамдард бўлади. Мен камсуқум ва тортинчоқ синглимизга шеърят оламида дадил ва чаққон қадамлар тилаймман.

Гулчехра НУЛДОШЕВА.

ТУШЛАРИМДА ЙИГЛАЙДИ ЙИГИТ

Ҳижронлар соғинчи уялатиб қўйди,
Бу юрак қайғуни сипқориб тўйди.
Лўли йўқ ботилими абада қўйди,
Тушларимда йиглар баҳоқдир йигит.

Айтолмайман тонига тунигинг ҳатосини,
Алпайар ўди кўнж қаросини,
Олам йиғавор кўба сарпосини,
Тушларимда йиглар баҳоқдир йигит.

Кўз ёшидан бошининг пешонасин шўр,
Сенди олим болган тунигинг кўзи шўр,
Мен тарай олмаган бехтининг соғини шўр,
Тушимда йиғлаган дилпозор йигит.

УЙҒОТМА

Қўйни узрларининг... жим бўл, сўзлама,
Майли, бевафо деб жор сол дунёга,
Кўзларимга қўйкан висолни унут,
Билсан-ку, тушлар чиқмас рўёга.

Шивирлаб ҳам айтма — садо беради,
Ошёнсиз эмағтиг тўйгуларини,
Кўзлариндан тушиб келмасин тонлар,
Қўшиқларға солма қайғуларининг.

Сукунатин тингла эртаги узун
Ҳаёларинг севга тузмаёт отанда,
Унсиз сўзлашарев ниғоҳим билан,
Юрагимда нафрат уялётгандай.

НАФРАТНИНГ ТУҒИЛИШИ
Йиқилди...
Куддлар...
Алам қўзларимга ёш солди.
Тура олас эдим,
Агар сенинг кўлгинг янграмагандай
Мухайё УҚТАМХОН ҚИЗИ.

Меросимизни ўрганимиз

ШОИР УБАЙДИЙ

XVI аср ўзбек мумтоз шеърятига чўқур из қолдирган ижодкорлардан бири шоир Убайдий. Убайдийнинг IV чоратида Шайбонийнинг акаси Муҳаммад Султон онасида дунёга келди. Бухоро ва Самарқанд медресаларида мукамал таълим олди. Шу билан бирга амакиси Шайбонийнинг юришларида иштирок этди. Кейин харбий ва сиёсий тажриба ортирди. 1512 йилда Шайбонийнинг ҳалокати ўлимидан сўнг Бухоро тахтини Шайбонийнинг биродари Кўчқинчиҳон эгаллади. Убайдулло ибн Муҳаммад Султон қичқичхон биларди. Убайдулло ибн Муҳаммад Султон амакиси Кўчқинчиҳонга ноиб қилиб тайинланди. Узоқ вақт амакиси номидан Бухоро эҳсонлигини бошқарди. 1530 йилда Кўчқинчиҳон вафот этгач, унинг ўрнига Бухоро тахтига хон қилиб кўтарилди. тарихда Убайдуллохон номи билан машҳур бўлди.

Убайдуллохон — истеъдодли шоир ва замонасининг юксак маданиятли сиймоси эди. У ноиблик ва айниқса, хонлик йилларида Бухоро давлатида илм, маданият ва савъатни ривожлантиришга қатна эштибор қарарди. Илм ва шуаро тоифасига гамхўрлик қилди. Уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади, хайрли ижодий ишларга рағбатлантирди. Шу-бон XVI асрнинг биринчи ярмида Бухорода улғў Навоийнинг ижодий анъаналарини давом эттириди. Қатор адабий ва илмий асарлар битилди. Аазий, Бақоий, Мақлисий каби шоир ва адибларнинг ўзбек тилида мақтовга лойиқ асарлари вуҷудга келди. Форс ва араб тилларини мукаммал билган Убайдуллохон уч тилда — ўзбек, форс ва араб тилида ижод қилди. У Ҳўжа Аҳмад Яссавий тарихати ва «Ҳикмат»

Убайдийнинг «Сабъи сайёр» образлари, жонли халқ сузлашуви тилига ҳамоҳанг тарзда битилганлиги туфайли содда, раvon, ўйноқи, сероҳангдир. Шеърят муҳлисига қучли шавқу завқ бағишлагани турган гап.

Қўйда унинг ижодидан айрим намуналарни муқтамар муштарийлар диққатига тандим этамиз.

Мухсин ЗОКИРОВ,
филология фанлари номзоди.

ҒАЗАЛЛАР

Гул сори қилмон назар зебо жамолнинг борид,
Кўзга илмон сарни нозик ниҳолнинг борид,
Билмади ҳус аҳлиға ҳаргиз вафо ҳусу жамол,
Қил вафо, эй бевафо, ҳусу жамолнинг борид,
Истамон ҳайвон суйдан топсам дағи анжон ани,
Дамбадам жон бергучи ширин зултоннинг борид,
Ҳар сари қилса азият борғил ул дилдор ила,
Қолма зинҳор, эй кўнгул, андин мажолнинг борид,
Эй Убайдий, ул париваш аҳлини қилғил ҳаёл,
Қилмағил ўзга хаёл, унбу хаёлнинг борид.

Васлидин навмед этиб қўнгулнинг мажмур айладинг,
Мени расволин билда олағи мажмур айладинг,
Эндуроб баҳзин висолинга мени-мажмур айладинг,
Айш жомидин ҳазин кўнгулнинг масрур айладинг,
Қилмасан андишан ҳижрон мени аёб этамкин,
Еткурубон давлати васлингга маъзур айладинг,
Меҳмондин расми бирда келиб, эй султон ҳусин,
Ҳажр бузғон бағтул-аҳзонимин маъзур айладинг,
Эй Убайдий, ўзга сори қилмадинг ҳаргиз назар,
То ўзининг нозир айлаб, они манзур айладинг.

Неча ул ой жонимизга жавру бедод айлағай,
Узгаларни шод айлаб, бизни ношод айлағай,
Кўрсат, эй кўнгулм, бориб ўзининг ул дилбарғамкин,
Шоёд ул соат сени кўргач, мени ёш айлағай,
Оҳким ҳам селдидин вайрон эрур кўнгулм уин,
Эмди ул вайронани қил бўлғай обод айлағай,
Ишчи иш андоқ қилай даврингда, эй лайливашим,
Не они Маажнун қила олғай, не Фарҳод айлағай,
Эй Убайдий, йўқтур андоқ дилбаро олам аро,
Нотавон кўнгулнинг гам қайдидин озод айлағай.

Сарв қадлар сарвари гулчехрадур, ёр-ёр
Дилраболар дилбаро гулчехрадур, ёр-ёр,
Гулчехралар бирда боғ гулшан эрур, ёр-ёр,
Гулшан аро сиз муқом мулҳан эрур, ёр-ёр,
Гулчехралар селдин тўлди жаҳон, ёр-ёр,
Бондин оёқ муғлар бўлди жаҳон, ёр-ёр,
Гулчехралар қомати тўли эрур, ёр-ёр,
Жаннат аро тўбининг қўби эрур, ёр-ёр,
Сарви сажидек бели нозик эмин, ёр-ёр,
Бўйи каби ҳам феъл нозик эмин, ёр-ёр,
Меҳрин гулдин аёб бўлгузидур, ёр-ёр,
Бўбулду гул меҳрибон бўлгузидур, ёр-ёр,
Бир-бирининг қадрин билса керак, ёр-ёр,
Айлағуси шукрини қилса керак, ёр-ёр.



КЎРЯТ, ТОМОША ҚИЛИТ



11.35, 12.35 Биология. 8-синф. Ку-муш тўқлилар.
12.05 «Евфросиния Полоцкая». Илмий-оммабоп фильм.
*
13.05 «Капитан Фракасс». Телевизион бадий фильм. 2-серия.
14.10 «Телевизион мусикий абонемент».

15.10 Ритмик гимнастика.
15.40 Арманстон Давлат телерадиоси камер хорнинг концерти.
* * *
17.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Қишки гуллар» (Барнаул).
17.55 Микис Теодоракис. «Тинчлик

ва озодлик қўшиқлари».
18.40 «Муомала». Ахлоқ этикаси.
19.25 И. Брамс. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун соль мажор сонатаси.
20.00 Артист В. Гафт билан учрашув.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 Т. Хренников. Виолончел ва фортепьяно ижроси учун соната.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.

23.15 «Ҳаммаси сен ҳақингда». Фильм-концерт («Лентелефильм»)
23.45 «Поезд икки дақиқа тўхтаб туради». Телевизион бадий фильм («Экран»)
00.55 Анатолий Бариленко чалади (гитара).

Жума *

1 МАРТ

● УЗТВ I
9.00 «Баҳор келди, сепини ёйиб». Кинопрограмма.
9.40 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Узстроймеханизация» — «Калев» (Таллин).
10.15 «Баҳор мўжизалари». Бадий фильм («Ленфильм»).
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.05 «Ғаройиб алвасти». Мультфильм.
18.15 «Тадбиркор кишилар».
18.45 «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
18.55 Тижорат хабарлари.
19.00 «Умумхалқ муҳокамасида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Шеърят дафтаридан». Охунжон Ҳақимов.
20.00 «Ешлик оқшоми».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ассалом, баҳор!». Адабий-мусикий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Энг охирги кун». Бадий фильм («Мосфильм»).

23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УЗТВ II
19.00 «Ётоқхона». Телефильм.
19.30 «Эсдалик учун дастхат» (рус тилида).
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Тоғлар чорлайди». Бадий фильм («Ўзбекфильм»)
21.30 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.
● МТ I
7.00 «Тонг».
9.30 «Инновация. Маркетинг. Натижа».
9.45 «Қизча циркда». Мультфильм.
10.05 «Шундай йигит яшайди». Бадий фильм.
11.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.30 «ТСН».
12.45 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
13.25 «Фронтдош дугоналар». Концерт-очерк.
13.45 «Қалб хотираси». Болгария усмонийлар истилосидан озод этилганлиги ҳақида.
14.35 «Сиз яратган боғ».
15.05 «Игорь жангномаси». Мультфильм.
15.30 «ТСН».

15.45 Телетомошабинларнинг таллабларига биноан. «Гаровга тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 15-серия.
16.40 «Қизиқувчилар олами».
17.00 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Қадим замонлардан, авлод аجدодлардан». Халқ усталари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»)
17.20 «Правда» кўчаси. «Сибирь олтини ва олтин одамлари».
18.00 «ТСН».
18.20 М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. «Ильич заставаси». Бадий фильм (1962 й.).
21.30 «Время».
22.15 СССР Давлат телерадиоси Катта симфоник оркестрининг юбилей концерти.
00.45 «Бор эканда, йўқ экан...». Ҳужжатли фильм.
01.05 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.
Тунги телевидение
01.20 «Жаноблар, марҳамат...». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

02.30 «Карабоновда шунақанги гуллар».
● МТ II
9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
Уқув программаси
9.15 «Чеховлар». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Теварак атроф билан танишиш. 1-синф. Бизнинг оналаримиз.
9.55, 10.55 «Қизил мусаввир». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь).
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.40 Теварак атроф билан танишиш. 2-синф. Хушмуомала бўлмоқчиман.
11.55 Билимдонлар учун машқ.
13.00 «Поезд икки дақиқа тўхтаб туради». Телевизион бадий фильм.
14.10 К. Воробьев. Тақдири ва китоблари.
15.40 Артист В. Гафт билан учрашув.
16.10 Спорт ҳамма учун.

* * *
17.25 «Мусаввирлар ҳақида ҳикоялар». К. Васильев.
18.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Қирралар» Россиядаги яҳудий аҳолисининг муаммолари ҳақида (Нижний Новгород).
19.05 «Байрамга таклиф». В. В. Шукин номли театр билим юрти ҳақида телефильм.
20.05 Москва триоси чалади.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Россиянинг парламент хабарномаси.
21.00 «Ўзингиз кимсиз, дўхтир Цзян!» Игна билан даволаш усули ҳақида ҳужжатли фильм.
21.25 Коллаж.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.15 «Вақт кутиб турмайди. Бадий фильм. 1-серия («Ленфильм»)
23.35 «Мэри учун турналар». Телевизион фильм.
23.45 Футбол. СССР кубоги. 1/4 финал. «Спартак» (Москва) — «Торпедо» (Москва). «Олимпийский» спорт комплексида кўрсатилади.

Шанба *

2 МАРТ

● УЗТВ I
8.00 «Ассалому алайкум».
*
9.00 «Ҳамшаҳарлар». Деновдан кўрсатув (такрор).
10.00 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадий фильм (Одесса киностудияси).
11.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Учкун».
12.15 Араб тили.
12.45 «Дехқон ва замин».
13.45 «Дўстлик» кўрсатуви. «Ягона онлада».
Тижорат кўрсатувлари
15.05 «Давр тақозоси билан».
15.35 «Косонинг кумуш толаси». Қашқадарё вилояти Косон 1-пахта тозалаш заводи иш тажрибасидан.
* * *
18.00 «Уйинқароқ болалар». Мультфильмлар тўплами.
18.30 «Мактабимиз—фаҳримиз».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганишимиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 Эстрада концерти.
20.15 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ҳафтанома».
21.30 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм («Ўзбектеlevision»)
21.45 Москва. «Время».
22.30 «Қўғирчоқ». Бадий фильм («Мосфильм»). 1 ва 2-сериялар.
00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УЗТВ II
9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.
● МТ I
Эрта саҳарлаб
7.00 Жумҳурият Давлат «Россия» ансамблининг концерти.
7.25 «Хоҳ ишон, хоҳ ишонма». Мультфильм.
7.45 Спорт ҳамма учун.
8.00 Ритмик гимнастика.
8.30 Тонгги дам олиш программаси.
9.00 «Сиз яратган боғ».
9.30 «ТСН».
9.45 М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. «Евдокия». Бадий фильм (1961 й.).
11.25 «Тонг юлдузи».
12.25 МТнинг олтин хазинасидан. А. Н. Островский. «Сердаромад жой». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри-

нинг фильм-спектакли.
15.00 «Бурда моден» таклиф этади...».
15.30 «ТСН».
15.45 «Ушбу қўшиқларни эслаймиз». Катталар ва болалар учун кўрсатув.
16.00 Мультфильм.
16.45 «Халқаро панорама».
17.30 А. Чайковский. Фортепьяно ва торли оркестр учун концерт.
18.15 Сиёсий мулоқотлар. «Ким аслида ўзи ким?»
19.30 Гибевандлик ва наркотикига қарши кураш бўйича Халқаро уюшма Марказий телевидение билан биргаликда «Наркотик моддасиз бир кун» программасини намойиш этади.
21.45 «Время».
22.30 МТ экранда биринчи марта. «Тунги поезддаги қотиллик». Бадий фильм («Озарбайжонфильм»)
Тунги телевидение
01.30 «ВИД» таништиради: «Шоубиржа».
02.30 «Ҳали қор ёғмасдан бурун...». Телевизион бадий фильм (Одесса киностудияси).
03.50 «Мен лўлилар қўшиқларини

куйлайман». В. Светлов ижросида мусикий композиция.
● МТ II
8.30 Эрталабки бадантарбия машқлари.
8.50 Болалар бадий жамоаларининг концерти.
9.20 Волга регионининг экологик муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
10.05 Рус тили.
10.35 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. Тверь тупроғини қайта яшатиш умидлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтеlevision»)
11.25 Педагогика ҳамма учун.
12.25 «Шунчаки». Мультфильм.
12.35 «Қанотлар». Планер спорти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 1. Украина телевидение студияси таништиради. Сиёсий-иқтисодий янгиликлар, «Прут» агрофермаси (Карпат), «Масаланинг тарихи» — Бугунги Крим. 2. «Ўз-ўзини қандай боқиб мумкин» телекўприги (Бозор-дуюк. Фермер—жамоа хўжалиги). 3. Видеоаянгликлар. 4. Мусиқа. Живопись. Шеърят.

16.30 «Плюс ўн бир» видеоканали. 1. «Рус характери» (суҳбатнинг давоми). «Менинг мавзум — Россия» (киноҳужжатчилар ўзларининг янги асарлари ҳақида). «Колвица манбалари» (Россия қишлоқлари ҳақида, Мурманск). Еш олим Н. Левашов билан учрашув (18.50). «Оқ қишдаги оқ атиргуллар». Мусикий видеофильм.
20.00 «Ноқулай Ежиков». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.50 «Цирк артисти» ёки «Бугун ва ҳар оқшом». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 М. Меерович. Торли серенада.
21.45 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.30 «Вақт кутиб турмайди». Бадий фильм. 2-серия.
23.50 «Бўғирсоқ, бўғирсоқ!». Катталар учун мультфильм.
24.00 «Пора». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар («Экран»)
02.25 М. Ю. Лермонтовнинг тақдири ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград).

Якшанба *

3 МАРТ

● УЗТВ I
8.00 «Ҳафтанома» (такрор).
*
9.00 «Оила».
10.05 «Бу сирли олам». Илмий-оммабоп кўрсатув.
10.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
11.15 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
12.15 «Қадрият» (такрор).
13.00 «Бировнинг хати». Бадий фильм («Ленфильм»)
14.30 «Алифбо сабоқлари» (такрор).
Тижорат кўрсатувлари
15.05 «Меҳнат жамоаси манфаати йўлида».
15.15 «Давлат сугуртаси — сизга кўмакчи».

* * *
18.00 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви.
18.30 «Романтика» телевизион театри. Йўлдош Хусанов. «Пашша-хўрда».
19.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.25 Тижорат хабарлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 А. Навоий таваллудининг 550 йиллигига. Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун» мусиқали спектакли ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Якшанба оқшомида».
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Оқ ажал». Бадий фильм («Ленфильм»)
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УЗТВ II
9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.
● МТ I
8.30 «ТСН».
8.45 Ритмик гимнастика.

9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.20 «Қишлоқ янгиликлари».
14.20 «Здоровье».
14.50 «Рок-сабоқ». Усмирлар учун мусикий кўрсатув.
15.50 Байқалбўйи ва Узоқ Шарқда яшовчи нодир жониворлар ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Иркутск).
16.10 «Вологда санъати».
16.55 «Алтай» фольклор ансамблининг концерти. Олмаотадан кўрсатилади.
17.30 М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. «Тилларанг булут ухларди». Бадий фильм.
19.05 «Уолт Дисней таништиради...».
19.55 М. Горький номли болалар

ва ўсмирлар фильмлари киностудияси — 75 ёшда.
21.30 «Время».
22.15 «Сан-Ремо-91».
● МТ II
8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 Мультфильмлар.
9.25 «Экранда «01» хизмати».
9.55 «Биз яшаётган олам». Режиссёр А. Габрилович фильмлари. «Болалигимиздаги футбол» («Экран»)
10.45 Фидан Қосимова куйлайди.
11.55 Стол тенниси. СССР чемпионати. Минскдан кўрсатилади.
●
12.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
●
16.00 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК.

В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.
18.15 «Планета». Халқаро программа.
19.15 М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. «Тантик Анна». Бадий фильм (1954 й.).
20.40 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.55 Россиянинг парламент хабарномаси.
21.10 Надежда Стефанова куйлайди.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.15 Баскетбол бўйича миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида АҚШ чемпионати.
23.15 Фристайл. Жаҳон кубоги.
24.00 Муаллифлик телевидениеси.
02.00 Т. Синявская ва М. Магомаев куйлайдилар.

МЕҲНАТ БАҲОРИНИ КУЙЛАЙДИ ХАЛҚИМ

Наврўз эшик қоқмоқда. Табиат уйғонмоқда. Деразам олдидаги ўрик ҳали гулламади. Аммо бўртиб келаётган куртаклар шамоллар беланчагида тебранади. Еллар нафасида ошифталик бор. У ғунчалар юз-кўзини сийпалайди. Инсон нафасига урилиб уни куч-ғайратга тўлдирди.

Қиш қаҳратонидан озод бўлган олма, гилос новдаларига яшиллик югурмоқда. Улар ҳадемай шохларда қулф уриб силкинишади. Чумолилар инларидан дастлабки мисқол тупроқни юқорига чиқазиб баҳор келдимкин, деб атрофга мўралайдилар. Кечагина тирикчилик илнжида дон ахтариб изғинган қушлар пат тараб, наврўзни қутлашмоқда...

Ҳа, наврўз яқинлашмоқда. Шу бугундан бошлаб ЎзТАГ муҳарририяти янги рукун остида Наврўз келгунга қадар Ўзбекистон дёрида юз берадиган янгиликлар, меҳнат ва шодлик, дўстлик-биродарлик, меҳр-муруват ва садоқат ҳақида ҳикоя қилувчи хабарлар бериб боради.

«ҚОВУН ДАРАХТИ» БАҲГ ЁЗМОҚДА

К. Маркс номли жамоа хўжалиги иссиқхоналарида ўсаётган папайя ўсимликлари баҳор нафасини сезиб янги япроқлар чиқара бошлади. Аслида Ҳиндистон ва Малайзия томонларда ўсадиган бу ўсимликка Ўзбекистон иқлими жуда ёқди.

Куни-кеча жамоа хўжалиги раиси Рустам Акбаров Тошкент ноҳиясида меҳмон бўлган япониялик журналистлар Онагаки

Тикаси ва Сато Сигерони ўзбек папайясини ўстириш сирларидан воқиф этди. Ҳозирча мазкур хўжаликда 70 туп эркак ва урғочи папайя ўстирилмоқда. Қовунсимон хомаклар сарғайиб пишгач, унинг уруғлари экилиб кўпайтирилади.

«Қовун дарахти» деб ном олган бу ўсимлик бозор иқтисориси даврида хўжаликка катта даромад келтириши кутилмоқда.

БОБОДЕҲҚОН ДАЛАГА ЧИҚДИ

Наврўз яқинлашиб келмоқда. Лекин дала бошига чиқиб қулоқ солган киши ер нафасидан сархуш бўлади. Бободехқон бўлса аллақачон ерга ниҳолларни қаддай бошлади.

Тошкент вилоятида бу йил жумҳуриятда биринчи бўлиб кўчат экишга киришилди. Шу кунгача 115 гектар ерга карам, 3603 гектар сепма пиёз, 331 гектар сабзи, 232 гектар саримсоқ ва бошқа эртанги сабзавотлар экилди. Бу ишда Тошкент, Калинин ва Оржоникидзе ноҳияларининг сабзавоткорлари пешқадамлик қилишмоқда.

Ниҳоллар эгатлар устига тортилган плёнкалар остида барқ уриб ўсмоқда. Наврўз байрамигача чинбарглар кўпайиб карам ўрай бошлайди.

Пўлат НИШОНОВ, ЎзТАГ мухбири.



ШУКУРКИ, ҳали инсонда гўзалликка бўлган иштиёқ сўнгани йўқ. Байрам кўнлари, хурсандчилик дамларида бир-биримизга гуллар бериб, замоннинг алғов-далғовларини бир нафасга бўлса ҳам унутамиз. Бунда Оржоникидзе ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги иссиқхонаси гулчиларининг ҳам хизматлари бор. СУРАТДА: Ҳакимахон Туропова, Қозимбек Элбўсинов ва Абдуҳалил Абдуҷамилловлар жамоа гулхонасида.

Суратқаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

ПЕКТИН ҲАЗАЛКЕНТДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ҳазалкент консерва заводида пектин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мармелад тайёрлашда ишлатиладиган бу хом ашё илгари чет эллардан келтириларди. Кўп ҳолларда шартнома вақтида имзоланмаганлиги ёки валюта тақчиллиги туфайли пектин келтиришда тез-тез узил-булиб турарди. Бу эса талаб-эҳтиёж катта бўлган маҳсулот тайёрлашда қийинчиликлар туғдирарди.

Заводда цех бошлиғи вазифасини бажарётган Валерий Чубикин Краснодар, Винница шаҳарларида пек-

тин тайёрлашда ишлатилаётган механизмлар технологиясини ўрганиб чиққач, ана шундай қўлбола мослама ясашни айтди. Ўсимлик моддалари химияси илмий текшириш институтининг ходими М. Тўраҳўжаев, азот саноати корхонасидан В. Хлинин, В. Чубикин билан ҳамкорликда Сойлиқ бурдоқчилик комплексида фойдаланилмаётган механизмлардан меваларни эзадиган мослама ясагандан сўнг бу хом ашёни шу ернинг ўзида тайёрлаш имконияти яралди.

Айни кўнларда цехнинг биринчи навбати тозаланган қуруқ пектин ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, ҳозирда пектиндан тайёрланган «Нилуфар» аталмиш хушбўй ичимлик ҳам истеъмолчиларга маъқул тушапти.

Бу — қизиқ

БОҚАДИГАН ҚУЛЛАР

ЖАҲОННИНГ айрим ривожланган ва кам ривожланган мамлакатлари учун қишлоқ хўжалигида банд бўлган боқувчи қўллар фоизи тўғрисидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтирса керак Қуйида шу маълумотлар билан танишасиз: АҚШда бутун аҳолининг 3 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлса, Канадада 4, Францияда 6, Японияда 7 фоизни ташкил этади. СССРда эса бундан анча юқоридир. У 22 фоизга тенг. ХХЖда аҳолининг 60 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланади.

ЭНГ ЁШ ЁЗУВЧИ

ШЯУЛЯЙ шаҳрида Литвада энг ёш ёзувчи яшамоқда. У эндигина 14 ёшга кирган Миндаугас Пелецкисдир. Унинг дастлабки фантастик ҳикоялари тўплами жумҳуриятнинг китоб дўконлари жовонларида пайдо бўлди. Миндаугас жуда қобилиятли. Бу йил музыка мактабини тугатди, Гиннесс

Китобини инглиз тилидан таржима қилишни тугатмоқда, араб тилини ўрганапти.

ЭНГ ТЕЖАМЛИЛАР

ТУРЛИ мамлакатларнинг аҳолиси ишлаб топилган маблағни тежашга ҳар хил муносабатда бўладилар. Германияда чиқадиган «Цайт» рўзномасининг ёзишича, Фарбада португаллар энг тежамли кишилар ҳисобланишади. Улар ўз даромадларининг 24 фоизини «қора кунга» сақлаб қўйишар экан. Бу соҳада иккинчи ўринда италияликлар, кейинги ўринларда Гренландия, Финляндия, Япония, ГФЖ... мамлакатлари туради.


Мухаррир Н. НАСИМОВ.

БАҲОСИ: Обуначига — 6 тийин, Сотувда — 10 тийин.

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.

Чин ҳам эмас, ҳазил ҳам...



ЖИН: — Илтимос, нима тиласанг тила, фақат гўшт сўрама!

ТУКИН-сочинлик бўлади деб ёзишибди-ку, демак, ипониш керак. Вақтини сўрасак хўжайинларни ҳижолатга қўямиз, онаси.

Шавкат ТУРОБОВ ва Муроджон УНГАРОВ расмлари.

Эълонлар бурчаги

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/II да Евгений Онегин.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА

ТЕАТРИДА — 23/II да Тўмарис. МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 23/II да Дардимини айтаман, куласизми!..

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да Гўзаллар ва миршаблар.

ТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. УМАРОВнинг бегоблиги муносабати билан 24 февраль соат 19.30 даги концерт 31 март соат 19.30 га

ДИҚҚАТИГА!

КУЧИРИЛДИ 24 февралга сотиб олинган чипталар билан кириш мумкин. Маълумотлар олиш учун телефон: 33-67-73.